

Шавкат Ҳасан

КАЙҒУДАН
КЕЙИНГИ КУН



Шавкат Ҳасан

ҚАЙҒУДАН
КЕЙИНГИ КУН



Тошкент

«Ёзувчи» нашриёти

Ушбу шеърий мажмуа Шавкат Ҳасанинг иккича тўплами. Унда ёш шоирнинг энг сара шеърларини жамланган. ҳамда у ёш ижодкорларнинг жумхурини VI-женгашида нашрга тавсия этилган. Шеърларни бетакрор ҳайрат ва шукуднинг ўзига хос талиқилари муҳрини қолдирган.

Шеърхонлар учун бу учрашув кутилимаган мароқли бўлиши аниқ.

X 4702620202—
M 362 (04) 1992

15 В № 25—8255—0073—1

С Шавкат Ҳасан, 1992 й.

МУҲАББАТ

Мен узоқ яшадим, жуда ҳам узоқ,
Покида ҳислардан айри ва бедил.
Мен сенинг номингни билмасдан ҳаёт,
Яшаб қўйгандайман гўёки юз йил.

| Дунё дунё бўлиб нени кўрибди,
Ҳаётми ё эркнинг ёлгон эртаги.
Чинакам баҳтга мен имон келтирдим,
Номингни илк бора эшитгач, Севги!

Юз йил танҳоликда кечириб ҳаёт,
Муқаддас ҳаётдан бир четда қолдим.
Қушчалар дунёга солганда ғулу,
Баҳорги гиёҳдай қайта уйғондим,

Мен танҳо яшабман номсиз сахрода,
Қолибман даллидай бенаво, мунглиғ.
Юз йиллар орадан ўтиб, мен шўрлик,
Яна бош кўтардим Самандар янглиғ.

Мен узоқ яшадим, жуда ҳам узоқ,
Ачинаман фақат, мени тушунгил.
Мен сенинг исмингни билмасдан, Севги,
Яшаб қўйгандайман гўёки минг йил.

| Номингни-ку билиш осон кечмади,
Не заҳру заққумга бермадим дилни.
Сени англамогим учун, буюк ИШҚ,
Наҳотки, совурсам яна минг йилни?!
.

X X X

Фарёдлар битурман қайгу номидан,
Мунгларни ютурман соғинч жомидан,
Соврилиб бўлдим-ку, йиллар комида,
Нега қарамайсан, чашми жаллодим.

Ҳазин кузларимдан чекиниб келдим,
Қаҳратон қаҳридан бекиниб келдим,
Кўкламга ҳам сенга юкуниб келдим,
Нега қарамайсан, чашми жаллодим.

Дилда унаётган райҳоним, сафсар,
Суғораётган қонми ё оби кавсар,
Билмам: бу фарёдми худо бехабар,
Нега қарамайсан, чашми жаллодим.

Севги—норасида, фақирдан фақир,
Эмраниб боқади бечора, ҳақир,
Кўзларинг дояю, қабоғинг қабр,
Нега қарамайсан, чашми жаллодим.

Х Х Х

Севтилим, ул чашми ризвонинг қани,
Қайғулар қатида ниҳонинг қани,
Омонинг қайдаю, паймонинг қани,
Хазондек тўкилиб ўйлар сураман,
Гулдай юзларингни қачон кўраман?

Талпиндим, йўлимни ҳижрон тоғ тўсди,
Ичимда оғриқлар илондек ўси, —
Тўзғиган дардларим—ilonning пўсти,
Хазондек тўкилиб ўйлар сураман,
Гулдай юзларингни қачон кўраман?

Чорлайман жаҳоним унут, фаромуш,
Бўғизга қадалар бечора товуш,
Қайғу бека бўлиб илитган оғуш,
Хазондек тўкилиб ўйлар сураман,
Гулдай юзларингни қачон кўраман?

Севги—зардблари тўпланган зарда,
Дилнинг дийдорига ёпади парда,
Ҳажрнинг дудига чўмган шаҳарда,
Хазондек тўкилиб ўйлар сураман,
Гулдай юзларингни қачон кўраман?

НАВРУЗ КЕЛИБ...

Наврӯз келиб сени йўқлайди,
Мен чиқаман кўзларим тиниб.
Регистон йиглайди, йиглайди,
Букри елкалари силкиниб.

Сен келасан, менинг гул юзим,
Ҳали бари тушади изга.
Осмонларга чиқиб кетамиз,
Замин ҳайрон боқади бизга.

Васлииг кўзларимни ёшлайди,
Юлиб мени фироқларидан.
Тиллолар тўкила бошлайди,
Тиллокори пештоқларидан.

Ҳали бизни бошлаб кетади,
Юракларда сиқилган сўзлар..
Бўтакўзлар бизни кутади,
Ёмгиrlарда ивиймиз бизлар.

Лабим босиб сочинга беҳол,
Қалтираймиз товушдай ҳали,
Титраб кетган гуичалар мисол,
Капалаклар қўнган маҳали.

Чақираман бўзлаб, товушсиз,
Сен чорлайсан—чиқмайди унинг.
Ҳали бизлар кўзлари дирмиз,
Қарочиги, беадад мунгнинг.

Мен сен учун ўзимни излай,
Сен мен учун ўзингни ахтар.
Ҳали ҳижрон дилларни тилгай,
Ҳали ҳижрон—баҳорга қадар.

Х Х Х

Мұҳаббат мангуға кетаётганды
А. ВОЗНЕСЕНСКИЙ.

Вақтлигин батамом унутади вақт,
Күртаклар, майсалар тек қотар карахт,
Телбадек қайғадир югурап дарахт,
Мұҳаббат мангуға кетаётганды.

Вақт ҳам ишққа этмас муруват,
Қуёш ёғду әмас, сочади нафрат,
Замин осмонлардан излайди лаҳад,
Мұҳаббат мангуға кетаётганды.

Ҳурлару парилар келар пайдар пай,
Мункар накир келиб чалади сурнай,
Азроил қадағға қуйиб турар май,
Мұҳаббат мангуға кетаётганды.

Толе сени менға күрмади раво,
Ай, ишқим, манглайда битилған хато.
Йирладинг, йирладим, қон қусди дунё,
Мұҳаббат мангуға кетаётганды.

Х Х Х

Сен томондан саболар, келар тоза ҳаволар,
Сен томондан қўшиқлар, келаверар наволар,
Орзуларим ер бўлиб, қайгуларим ҳаволар,
Кўзларим йўлда менинг, кўзларим йўлда ҳамон.

Кўкда бўлсанг эй, гулим, фалаклардан энди туш,
Мен ҳамон вайронаман Варажшадай, фаромуш,
Учолмайман, қўйвормас оёғимдаги ковуш—
Кўзларим йўлда менинг, кўзларим йўлда ҳамон.

Йироқларга бок, чопар кўринарми, эй, дорбоз,
Мен кўрман, фалакка боқ, қушлар этарми парвоз
Ё бир хабар келгайми фалокатдай беовоз,
Кўзларим йўлда менинг, кўзларим йўлда ҳамон.

Армонларим ҳижратда тортаверар итдек «ув»,
Юрак-бағрим эзилиб, жигарларим бўлди сув,
Жилвалангай бу сувда қароғинг сенинг жоду,
Кўзларим йўлда менинг, кўзларим йўлда ҳамон.

Моҳи Хосса боғида кезинар бир тўп товус,
Уларга кўксин очар юртдаги танҳо ҳовуз,
Менга эса бир чимдим фараҳ юқмади ҳануз,
Кўзларим йўлда менинг, кўзларим йўлда ҳамон.

Метин экан, тош экан, бу аркнинг деворлари,
Кўнглимдек юввош экан Бухоронинг сорлари,
Телба-далли ошиқни эслатар чинорлари,
Кўзларим йўлда менинг, кўзларим йўлда ҳамон.

Аё, кўксим, озод бўл гумонлар—алафлардан,
Эй гул, мен кечдим буткул ҳар қандай шарафлардан,
Хушхабар келгайми деб Самарқанд тарафлардан,
Кўзларим йўлда менинг, кўзларим йўлда ҳамон.

X X X

Ортга боқма, кет, кетавергин,
Мажнун бўлсин сенга бу толлар.
Ёмғир сенга дардини айтсин,
Шеърлар айтсин сенга шамоллар.

Қаро кўзларингдан кўзим қароси,
Ўчсин буткул ғамларнинг изи,
Шуурингни шуълага кўмсин,
Рошлардаги райҳонлар иси.

Бўғотингда ин қурган қушлар
Чорлайверсин сени яшапга.
Сирларингни этмагин ошкор,
Чиқармагил дардингни ташга.

Оҳ, шунда ҳам қийналсанг сен боз,
Үртайверса ҳар вақт, ҳар онинг—
Майингина юзларингни бос,
Кўкрагига дагал дунёниг.

ЭСКИ ДАФТАР

Бу дафтарни очганим ҳамон
Юракларим алағда бўлди.
Тараларди ундан заъфарон
Туйғуларнинг фаромуш ҳиди.

Бу дафтарни очганим маҳал
Шууримга бостириб кирди:
Кечмишимдан қолган бир газал
Ва ишқнинг ilk озори, дарди.

Ўзинг шуни айладинг талаб,
Юрак, сенга не бўлди, аё.
Мендан нима истайсан, эй қалб,
Мендан нима истайсан, дунё.

Бу бир соғинч, бу бир орзиқин
Холос. Бошқа ҳеч нарса эмас.
Мен дафтарни ёпмоқ истайман,
Қўлим эса уни ёполнас.

X X X

Бир ажойиб, гүзал кун
Мени чиқсанг ахтариб,
Рўмолингни қўлингда
Байроқ каби кўтариб.

Ҳузуримга елсангу
Ўзингдан тониб, ёниб,
Мен қаршингдан чиқсаму
«Ана» деб қолсанг таниб.

Мен сўзласам алжираб,
Қилолмай қолсанг ажрим,
Сўнг айтган гапларимга
Ўзим бўлсам мутаржим.

Кўз ёшларинг тизилиб
Шеърдай оқса ва шу дам—
Сен қаҳ-қаҳ отсанг кулиб,
Мен ўкириб йиғласам.

Менга, сенга бойланиб
Хаёллар келса учқур.
Осмон гир-гир айланиб,
Ер нафас олса чуқур.

О, лаънати дунёси
Бўлмасди бунча ғариб.
Бир ажойиб, гүзал кун
Мени чиқсанг ахтариб.

ЛАБИХОВУЗДАГИ ҮЙЛАР

Түкіб юрардингиз юртимиз бўйлаб,

Гоҳ шодон, гоҳида пурситам матал.

Маъзур тутиңг мени бу дам, Афандим,

Сиз энди жони йўқ, оддий бир ҳайкал.

Гарчи бўлмаса-да аркони нуфуз,

Гарчи бўлмаса-да хуш-таом, хуш май.

Бир шўрлик эшакка ўлтириб ҳануз,

Ҳамон гап сотасиз эгардан тушмай.

X X X

Эй, сен, хандон отиб кулаётган қиз,
Кулиб—кулиб туриб гуллаётган қиз,
Ишқимни гул каби юлаётган қиз,
Кетма.

Сенинг ҳар бир сўзинг—мукаррам оят,
Сенинг кулгуларинг—инъом, иноят,
Сендан айрилмоқлик—гуноҳ, жиноят,
Кетма.

Ҳажр—шўримга унган шўр шўра,
Сен кетсанг, эврилур яна бир эра,
Ишонмасанг, бешафқат йиллардан сўра,
Кетма.

Гар кетсанг, мени гам ўлдирап доим,
Гар кетсанг, қиёмат бўлади қойим,
Таскин бер, юпатгил мени Худойим,
Кетма...

САБРНИНГ ТАГИ

Бирор бир гуноҳга қўл урмадим мен,

Менга қўл урмади бирор жиноят.

Уриниб, урилиб охирি бутун

Сабрнинг тагига етдим ниҳоят.

Ё раб! Мени авраб келган эканлар,

Ҳамон алдаюрлар, қарашлари лўқ.

Сабр тагидаги ваъда этилган

Тиллолардан эса ному нишон йўқ...

Х Х Х

Очиқ деразадаң мунг ёғилар, тунд,

Гултувакда ўсиб боради оғриқ.

Яшаш қандай бўлар, ўргатгил ахир,

Мен бу тарзда энди яшолмам ортиқ.

Не кечди, не кечар кўнгилдан бу кеч,

Бари хом хаёлдир, бари ёлғондир.

Мен сенинг ёнингга қайтай, севгилим,

Сен мени бу баттол ўйлардан тондир.

Мунгдан зиё олиб ўсади оғриқ,

Хотира сўради муздай қонимни.

Ичикиб, кечикиб бораяпман мен,

Согинч гажиб борар устихонимни,

X X X

Кел, севгилим, баҳор шомида,
Ялпизларнинг сачратиб бўйин—
Бу кимсасиз замин домида
Бехуд бўлиб тушайлик ўйин,
Бехуд бўлиб тушайлик ўйин,

Кел, севгилим, жазирамада,
Қалбим менинг қолмагай сўлиб.
Ўйнагаймиз офтоб дамида,
Саҳроларда жизғанак бўлиб,
Саҳроларда жизғанак бўлиб,

Ёмғирларга қўшилиб келгин,
Шаррос-шаррос, дилимни ситиб,
Телбаланиб тушайлик ўйин,
Бошдан оёқ хазонга ботиб,
Бошдан оёқ хазонга ботиб,

Кўзимиздан сочиб дурларни,
Юлдузларнинг сачратиб бўйин—
Талвасага солиб ҳурларни,
Осмонларда тушайлик ўйин,
Осмонларда тушайлик ўйин,

Кел, севгилим...

Х Х Х

Дедингки: биз бунда адашиб келдик,
Дединг: бизни алдаб келдилар, ахир.
Лабларингни тишлаб юм-юм йигладинг,
Мен йиглай билмадим—кўзлари сўқир.

Дедингки: қабристон сукунати бу,
Кўмларга қорилган май кўзалари.
Тамбалаб ташланган, қарагин, дединг,
Бу дунёнинг дарча—дарвозалари.

Дединг: ҳаётимиз қайгули фасл,
Ажиб титроқ ичра титрарди танинг.
Сўнгигача бош хам, тинглаб борамиз,
Дединг, ноласини адашганларнинг.

Лабларингни тишлаб юм-юм йигладинг,
Мен йиглай билмадим—кўзлари сўқир.
Дедингки: биз бунда адашиб келдик,
Дединг: бизни алдаб кетдилар, ахир.

ВИСОЛ ЧӨГЛАРИ

**Олимларнинг аниқлашича, ҳаяжонди
дақиқаларда юрак уриши тезлапиб,
умрни анча камайтиаркан...**

**Яшин тезлигидаги югуармиш қон,
Агар қалблар қалблар билан сирлашса.
Ҳаяжондан умринг камаяр экан,
Ногоҳ лаблар лаблар билан бирлашса.**

**Тинчингни олармиш севги сирлари.
Магрурликдан нишон қолмас эмиш, йўқ.
Ҳижрон бу—шоирнинг ёниқ шеърлари,
Висол бу—юракка бориб теккан ўқ.**

**Майли, висол умр заволи бўлсин,
Қалбда қолсин унинг хушбўй доғлари.
Майли, юрагимни пора қилсину
Ва мени ўлдирсин висол чоғлари!**

ЯНА КУЗ КЕЛИБДИ...

Яна куз келиди, бостириб яна,
Яна заҳил тортар гуллар пуштаси.
Бунчалик қалтираб, титрайди нега,
Мезонларми булар ё жон риштаси.

Кузак тортиб келган монесиз лашкар
Умри жовидоннинг ишқи қасдида.
Бу боғлар кўнглимдек ҳувиллаб ётар,
Бақо ва фанонинг қоқ ўртасида.

Сўнгигача синаб чўнг бардошимни,
Сўнгигача англаб етгим келади.
Замин каби вазмин тортган бошимни
Қайларгадир одиб кетгим келади.

Мудроқ босиб ётган сокин дунёни
Бошимга кўтариб йиглагим келар.
Дилнинг бир кунжида ёнган зиёни
Сўндириб, мангуга ухлагим келар.

Руҳнинг қабатларин йиртиб чиқади
Бу зиё эмраниб, қалтираб, ғариб.
Томирда тўлғониб ҳасрат оқади,
Аччиқ ёмғирларда кетгайман эриб.

Шамол қанотида учган хазондек,
Руҳимдан узилиб кетмоқда йиллар.
Изоҳ йўқ, паноҳ йўқ, огоҳлар ҳам йўқ,
Савдойи дилимни ким ахир англар.

Яна куз келиди, бостириб яна,
Яна заҳил тортар гуллар пуштаси.
Бунчалик қалтираб, титрайди нега,
Мезонларми булар ё жон риштаси.

X X X

Жойи осойиш эмас, ҳеч кима бу
күңна равоқ.

ТУРДИ.

О, қалбим, сен етим, мен-да ғамзода,
Кетдик, түрвангни ол бўйнингга осиб.
Икки дунёни-да кезиб пиёда,
Бир қабр излаймиз сенга муносиб.

Биз ожиз бандалар талпинган билан,
Биздан юз ўтиргай ҳаргиз ҳақойик.
Исрофил сурига ҳамоҳанг ўлан,
Бир лаҳад излаймиз сен учун лойик.

Нетдик, бу заминда кўнгил тўлмайди,
Иzlаймиз осойиш бирор бир ўрда.
Ахир бу ерларда яшаб бўлмайди.
Ўлиб ҳам бўлмайди, ахир, бу ерда.

Ўйлагандим; бу шунчаки түш,
Яшаб ќўйдим билмасдан нохос,
Бу даҳрга синганим йўқ,
Бу даҳрга сингадим, холос,

Мен адашиб кездим саргардон,
Бу жўнгилниг ўру қирини.
Дилхун бўлиб тингладим вайрон,
Ёмғирларниг талх тизирини.

Бу норасо фалакиниг гаор
Кимсаларин ҳар гал кечирдим.
Ҳар гал исён кўтарганда ҳур
Ботинимга қонлар ичирдим.

Мен бир умр, о, мен бир умр,
Урён дилми ғамга ўрадим.
Бир меҳр, бир шафқатга интиқ,
Шафақларга ботиб қарадим.

Рұҳим қалқиб киради титроқ,
Эшитганим фақат оқиз сас.
Мен дунёни англадим, бироқ,
Дунё менинг англамади, бас.

Ҳаёт! Қара, борлигим ситам,
Ситамларниг ҳеч қачон битмас.
Мен шунча йил чидадим, ахир,
Энди менинг бардошим етмас.

ЎЗЛИКНИ ТИНГЛАШ

Ажаб дамлар эди ул кун,

Тан мулкидин айро эдик,

Кўнгул бирла қолиб ёлгуз,

Булбул каби сайро эдик.

Дарёи ишқ эди дунё,

Ғарқоб биз сар то по эдик.

Магар келдик ёқавайрон,

Ғайибдин бир садо эдик.

Ибтидо деб, атарлар, бас,

Биз ул кун интиҳо эдик.

КЕТАСАН...

С

Сен кетасан, ортингдан
Шодлик боқар мунгайиб.
Умидлар абас бўлар,
Дардлар қолар улғайиб.

Сен кетарсан, ортингдан
Йиглаб қолар сабрлар
Ва тилимда музлаган
Айтилмаган «хайр»лар.

Сен кетасан, ортингдан
Эргашади сўқир эрк.
Сенга энди етиш йўқ,
Қара, ахир, йўллар берк.

Сен кетасан, «оҳ»ларим
Кетар ўзимдан ўзиб.
Дийдоринг бир кун бўлар
Ва ёки бўлмас насиб.

Сен кетасан, лаънатлар
Ўқиб дунё ишига—
Хайрат бармоғин босар
Таажжубнинг тишига.

X A J R

Бутун борлық қора тун ичра,
Бошлар узра булут күлкаси.
Ой гүёки олис хотира,
Тун гүёки ҳижрон үлкаси.

Асаб ёйдай тортилган таранг,
Юрак эса чиқармас бир сас.
Чигирткалар чириллар аранг,
Туман—дилда димиқкан нафас.

Айрилиқдан наинки одам,
Табиат ҳам ёш түкмоқдадир.
Майса узра титраган шабнам—
Юракларда йиғлаган қадр.

АРЗИ ҲОЛ

Үз-үзимга омад тиладим,
Үз-үзимга тиладим сабот,
Рутубатли бу тун кўксимда
Қолдирди бир нохуш таассурот.

Боравердим, йўқ эди ҳеч фарқ,
Боши берк ҳис-туйгулар сари.
Ҳайрат гирдобига бўлдим гарқ,
Ибтидоий одам сингари.

Свудиб ўзимни чарчадим,
Алдаб ўзни чарчадим, ахир,
Ахир, қандоқ чидамоқ мумкин,
Тунда юм-юм йигласа бағир.

Ҳасратларим бориб етмайди,
Олиб бормас бу йўллар Сизга.
Кўрсаводлар ёзибди, нетай,
Шу қисматни пенонамизга.

X X X

Сиз—хуршиди тобоним,
Токай ўртансин жоним.
Озорлар келди ўтру,
Келмадингиз, ёмоним.

Эй, Сиз, жони сўзоним,
Тонгу саҳар, аzonim—
Жонда жоним қолмади,
Билмадингизми, жоним.

Хазонлардек елдим ман,
Баҳорларда сўлдим ман,
Ёмғирларда ўлдим ман,
Нелар бўлди, осмоним.

Чарх ургувчи гардун жим,
Бўзтайверар тунларим,
Нигоҳимда хунлар лим,
Дилда асрор, ниҳоним.

Шеърлар битдим у кун шўх,
Дамлар эди лахча чўғ,
Дунёмда бир дунё йўқ,
Нелар бўлди, жаҳоним.

Х Х Х

Күйіб шөрлар айтдым, шөрлар түрніді,
Дилем ғанверди ғыған сары.
Чанқок күзларымға нұрдек ғылди,
Шул күхін севгімнің асотирлары.

Фараҳ бахтта тұлғап аёлдай күлді,
Дардга қабо тикиб тимади үрчүк.
Бир нағас тиң одиб менің термулади,
Чорбогимда құтұрлатаң құтұрчук.

Шубхалару шайтан наевасаларин
Парвардигер каби мангуға құвдім.
Зардобларға лим-лим тұлғап ичинин
Харир ҳаволарда чайидім, юздім.

Дилемда у күн бир рүшиодик әді,
Гүзәл исемінің айтиб очғап әдім даң;
Қайгуимни ҳатто қүшлар түшүнди,
Ногоҳ жүр бўлишди бир күй бағталаб.

Нардек ҳаводарин кесиб борарадым,
Шамолимда ювиб үз изларимни,
Тобора, тобора ўсиб борарадым,
Замидан суғуриб илдизларимни.

Мен ҳар тун осмонға чиқиб кетаман
Ва ҳар тонғ қайтаман құчоқлағ ғамни,
Севгилим, умриңда күрганисаш ҳеч
Ұзидан узилиб кеттап одамни?

ТИЛОВАТ

Асрандим, мен сени асраёлмадим,
Оппоқ юволмадим, таролмадим оқ.
Ҳасратларим билан тўйдиролмадим,
Либослар кийдириб сенга қирқ ямоқ.

Сен билан ҳеч қайга кетолмадим-ай,
Сен дарё бўлибсан, мен эса бўйра.
Каптарнинг юлинган қанотларидаи
Сап-сариқ мактублар энди хотира.

Сен энди келмассан ҳеч қачон қайтиб,
Фақат ғамлар келар сулув ва дуркун.
Дунёга келганман—сенни йўқотиб,
Ахтарим, мангуга ахтармоқ учун.

Таҳликаю хатар лиммо-лим тўлган,
Воқеа, талофат, тасодиф тўла.
Умрим даргоҳига келасан кириб,
Ужмоҳ боғларидан қочган фариншта.

Мен сени умримнинг қайси бурчига,
Қайси кунжагига қўйй авайлаб.
Сенга муносиб жой бормикаш бунда,
Толиб кезинаман ҳаётим бўйлаб.

Кўзим пардасига ёш тўлиб келар,
Атроф бир лаҳзада тортади хира.
Бемадор қушчадек умид жовдираб,
Кўксимга бош қўйиб йиглар бокира.

Зулматга белангани кўчалар аро,
Зулматни ёпинган кечалар бўйлаб.
Бориб келар эдим оғир, гамсаро,
Маҳзун қарашларинг кўксимга жойлаб.

Орзулар озурда—кўнгли бўш осмон,
Севги—манзилидан адашган ҳумой.
Сенга қайдан топай бехатар гўша,
Бу дилдан ўзим-чуи топилмаса жой.

Ёмғир ёгаётири—кўкнинг ҳасрати—
Бизнинг севгимизга ҳамоҳанг, ошино.
Сенинг манглайнингда дулбаржини хати,
Менинг кафтларимда билгисиз имло.

ҚАРИ ҚИЗ

Унинг назарида ҳамма баҳтлидир,
Унинг назарида баҳтсиз одам йўқ.
Ғамга тўла қаро кўзлари гўё,
Оҳ, тобора сўниб бораётган чўғ.
Тунлари кимнидир ёд этади, дод,
Тунлари кимнидир соғинади, оҳ.
Дилнинг бир кунжини забт этар сабот,
Қолган бўшлиғини мавҳ этар гуноҳ.
Сен кимсан, нимасан, сўқир ҳақиқат?
Бир чимдим меҳрингни кўрмабсан раво.
Унинг кўзи билан ўзингга боқсанг,
Бахтингдан ёрилиб ўлардинг, дунё!
Тунлари ҳақиқат излаб адашган,
Бир овоз бўғзидан отилар нохос.
Бола кўрмоқликни орзу қилар у,
Фақат орзулари болалар холос...

Х Х Х

Дунёга келдим мен кай-күстим би жи.
 Ултайдим кўксимиға умидлар тажиб.
 Бу дунёй дуннинг кўксидан суткас.
 Заҳру отусини ютдим ютожиб.
 Кўнгил қадаҳ янилиғ қайтуға тўлди.
 Яшамоқ, курамоқ—баридан тўйдик.
 Масхара бўлмоқ-чун бир асос бўлди.
 Минг бора ўйлаб бир бостан қадамиш.
 Мен паноҳ истадим бу шур қисматини.
 Азалий, бешафқат сўроқларидан.
 Руҳимни гул каби сугурсам, ледим.
 Жисмнинг дўзахий қийноқларидан.
 Ҳаёт ришталарин узаётган баҳт.
 Фараҳни чўп каби сукади кўзга.
 Йўқ, мени ақлдан оздиролмас ваку.
 Дунё покиза деб айтмайман сизга.
 Топтан жойимни ҳам берурман текин.
 Кимга берар бўлса берсан бу тақдир.
 Бу дунёниг ахир кўллари чиркин.
 Ахир бу дунёниг кўйлаклари кир.
 Вужуд тўниб борар, қалб тўниб борар.
 Ҳеч кимса, ҳеч нарса кувонтиrolмас.
 Бу дунёдан шундай кўнглим қолганиж.
 Энди у дунё ҳам овуниролмас.

ФОЛБИНЛИК

Бу ўн йиллик яхши кечади,
Истарангиз бўлмайди совуқ.
Узоқлашиб бораверасиз,
Ўзингизга келмайсиз ёвуқ.

Туш кўрасиз кўпинча: дарахт,
Бу дарахтнинг барглари тилло.
Сизга қайғу яқин йўламас,
Хаёт деган жафодан, илло.

Бу ўн йиллик ажиб кечади,
Ўзгариб турасиз дамо-дам.
Худо хоҳлаб, шу кетиш бўлса,
Танимайсиз ўзингизни ҳам.

Ишончлардан путур кетса-да,
Дуо қилаверар гадолар.
Хилватларда қолаверади,
Сиз фотиҳа берган хатолар.

Бу даврда анча озасиз,
Кўплар билан қилиб гуфтингўй.
Парво қилманг, озар, семирар.
Бир терининг остида бир қўй.

Кўп куюнманг, бу шунчаки фол,
Тўғри чиқиб қолади гоҳи.
Насиб бўлса, семиртиради,
Сизни ўзгаларнинг гуноҳи.

ЛАҚАЙДЛИККА МАДХИЯ

Ҳар нарса, деб ўзингни ема,

Асабийлашма, ўзингни бос.

Шу қадар тўлиб кетган бўлсанг,

Бирдан гапириб қўйма нохос.

Ҳе, садқаи суханинг кетсин,

Зарари йўқ, ўлиб қолмайсан.

Ҳечқиси йўқ, битта сўз учун,

Ер чиқмайди орбитасидан.

Сен ҳеч қачон айта олмасанг,

Айтолмаган ўша сўзингни,

Тағин минг бир андиша билан,

Осиб қўйма яна ўзингни!

ФИРРОМ ҮЙИН

Тасаввурга сиғмас ҳеч нарса,
Эҳтимол бу ўйин—бир хаёл.
Эҳтимол, мен очилмас сирман,
Бирор тушман нохуш, эҳтимол.

Тажрибам йўқ, имконим ҳам йўқ,
Халоскор ўй келмайди нохос.
Ўйин бошдан оёқ фирромлик,
Чарчаганга ўхшайман бироз.

Бошланиши галати кечди,
Давомини турибман кутиб—
Қайтган билан қайтиб бўлмаса,
Кетган билан бўлмаса кетиб.

БЕХОСИЯТ САФАР

У пушаймон бу сафаридан,
Жигарлари оқиб бўлган сув.
Сочи тикка бўлгани билан,
Ҳеч қимга тик қарамади у.
Такаббурмас имонин ютган,
У бечора, фақир, камсуқум.
Соҳибсехр нур ато этган,
Кўзларига тўлиб қолган қум.
Қолганига бўлмаган банди,
Қилганини қилмаган канда—
У соҳибнинг чин ихлосманди,
Ўз аслини қидирган банда.

Ишонмайди сенга, эришган,
Зафарларинг ёлғон эй, гардун.
Унга минг йил сабоқ беришган,
Бу ёқларга келмасдан бурун.

ТИРИКЛИК

**Аҳлу аёл, қариндош,
Хеч ким бўлмайди йўлдош.**

Аҳмад ЯССАВИЙ.

Келсанг, салом,
Кетсанг, хайр.

Даҳр билган ўша авом,
Авом билган ўша даҳр.
Хеч кимса қучоқ очмас,
Хеч ким «кет» демайди ҳам..

Яшайсан мисли бир кас,
Ўзинг-чун тутиб мотам.

Кун-ой ўтар, йил ўтар,
Кезсанг кезгил, сарсари..

Кўзингни қийма этар,
Изтиробнинг нурлари.

Сўнгра боқиб кўрарсан,
Осмоннинг ҳам шифтига..

Бошларингни урасан
Қояларнинг кифтига.

Хеч кимсага етмагай.

Нолаю оху зоринг.
Хар талгидек жавобсиз
Қолгайдир саволларинг.
Фаришта ташрифи сўнг,
Анъанага мувофиқ.
Бошингда йиғлар «ҳўнг-ҳўнг»
Дунё деган бетовфиқ.
Келсанг, салом,
Кетсанг, хайр.
Даҳр билган ўша авом,
Авом билган ўша даҳр.

СЕНГА НИМА БҮЛДИ, МЕНИНГ ИЛОХАМ

Сени менга бетоб, дедилар.

Р. ПАРФИ.

Гулим, сени менга бетоб, дедилар,
Унинг жигар-бағри кабоб, дедилар,
Унинг ютгани қон, зардоб, дедилар,
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Бу дард ғассол бўлса таскин чикора,
Дилни юваверса эзив, тобора,
Афсус тополмасман имдод, бир чора,
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Бедиён кўксимда унган ўз гулим,
Бостириб келмишdir, қара, куз, гулим,
Лабларинг замҳарир, нечук муз, гулим,
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Мен эса кўрпага чўкиб ётаман,
Ашкимни ёстиққа тўкиб ётаман,
Дардингни бўралаб сўкиб ётаман,
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Топтаб ташлагайдир йўлни, изни вақт,
Чилпарчин қилади аҳдни, розни вақт,
Ақлдан оздириб борар бизни вақт.
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Ёдинг хотирамни тилиб борадир,
Бу дунё ғамларга тўлиб борадир,
Унутмоқ наҳотки сўнгги чорадир,
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Шивириңг рұхимда тирилар тақрор,
Яна юрак вайрон, күзларим хуншор,
Үтмишу, келажак, барчаси бекор,
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Ётаман, турман, етмайди нафас,
Олис тоғларингдан келур заиф сас,
Сенсиз бу Самарқанд Самарқанд эмас,
Сенга нима бўлди, менинг илоҳам?

Х Х Х

Тун эди, зулмат эди,
Ухлаб ётарди еллар.
Ой бефарқ боқар эди,
Дарахтзорга киргана улар.
Кейин...
кейин...

Энтикишдан дарахтлар,
Сесканиб кетди хилват!
Ногоҳ уйғонди еллар,
Барглар бошлади...
гийбат.

ЁМГИР МАВСУМИ

Ёмғир, ёғавергин, ювавер тинмай.
Дилимнинг мавсумий ғуборларини..
Токи бир бор мен ҳам тан олай
Умримнинг лаҳзалик баҳорларини.

Ёмғир, ёғавергин, ювавер дилнинг
Домидан беташвиш лаҳзаларини.
Сенинг шивириングни тинглабон туяй.
Дилимнинг чорасиз ларзаларини.

Ёмғир, ёғавергин, айлагин халос,
Бу юпун, бу рангсиз кунлардан мани..
Бу ғурбат шомида йиғлаб беовоз,
Дунёни унутсам, унутсам қани.

Ёмғир, ёғавергин, келгани каби
Энг сўнгги хабардек умринг шоми..
Эҳтимол дард бўлар, эҳтимол қайғу
Дунёning чиройли бу сохта номи.

Ёмғир, ёғавергин, мени парчала,
Кўксимни чок эту юрагимни юл.
Хуншор бўлган қўлларинг билан
Юракнинг ўрнига ўстир битта гул.

Ёмғир, ёғавергин, вайрон эт мени...

X X X

Сенга аталган
Бу гуллар хушбүй
(Гүё эртага
Бошланажак түй!)

Сенга аталган
Бу гуллар маъсум
(Лабларингда ол,
Қирмиз табассум!)

Сенга аталган
Бу гуллар сўлим
(Гўзал исмингга
Тўладир дилим!)

Сенга аталган
Бу гуллар хомуш
(Қайноқ кафтигни
Туш кўради, туш!)

АРОСАТ

Мана мен ниҳоят,
Жойлашиб олдим—
бахтсизликдан тепада.
пастроқда бахтдан.

Жойим-ку, топдим,
эх, энди чўзилсан—
бошим бахтга тегар,
оёғим бахтсизликка.

X X X

Кўксимда бир гамсаро гул бор,
Тушунмайди уни ҳеч қайси:
Тор дунёнинг на Шавкатиу,
На Шавкатнинг кабир дунёси.

СЕН КЕТГАЧ...

Хавотирни ютиб отаяпти тонг,
Эшик зорланади тақдирдан нолиб.
Девор ковагидан чиқади сичқон,
Дераза анграяр, оғзи очилиб.

Оқ парда ҳилпиар, ҳилпирайверар—
Қамал қилингандар күттарган байроқ.
Мени ҳам сиғдирмас, ситиб чиқарап,
Хона—қорачиғи ўйилган қабоқ.

Х Х Х

Жоду күзлар—шайтоннинг иши,
Киприкларинг—чайнинг ниши.
Пойларингга бош уриб нолон
Уртанаади иккита йилон.

Тун. Юлдузлар тўқади оғу,
Мен чарчадим сўнгсиз тушлардан.
Кел-эй, энди қўрқмайсанми бу
Таҳликали ўхшатишлардан.

И Ш К

Сочу соқоллари үсиб кетган вақт
Депсинар умримда сарсон—адашиб,
Юрагим тубида кўкарған бу гул
Етти қат осмонга кетди чирмашиб.
Қаҳратонлар уни қуритолмади,
Сўлдиролмади саратонлар ҳам.
Күёшга интилиб үсаверди у
Бамисли ҳаётга тирмашган одам.
О, уни чўқилаб кета олмади,
Бурда қилолмади қузгун сингари—
Бу телба замоннинг зугумлари-ю,
Девона даврнинг талотумлари.
Ул қайгу улгайиб борар кун сайин,
Вужуд жамлаб тутар сўнгги меҳрини.
Ғамзада юракда туғилган бу дард
Пайҳон қилаверар унган ерини.
Шамоллар йиглатар, тинч қўймас уни,
Майин саболарда бўзлар эшилиб.
О, бу гулни ҳеч қачон юлолмайман,
Юлсам бағрим кетар унга қўшилиб.
Улканлашиб бораверар, э, худо,
Тобора каттариб борар бу туйғу.
Энди юрак унга торлик қиласи,
Ва лекин сиғмайди дунёга ҳам у!!!

СОГИНЧ

Мен бандиман, тутқундир руҳим,
Енгди мени бир девоналик.

Алаҳсираш ё тушдир балким,
Түйғуларда парокандалик.

Ииғлаб чиқар безабон, беун,
Күкрагимга бош уриб, карахт —
Чарчаб адo бўлган, бағри хун
Бир қайғуким, руҳимда бадбаҳт.

Тун кечар-ку, ҳамиша тунд, тунд,
Тун кечар-ку, амаллаб, нотиич.

Лек тонггача фарёд солади
Иchlаримни ўртаган согинч...

Кел, энг сара түйгуларимдан
 Сенга туздим очил дастурхон,
 Икки четда чўқайлик маҳзун,
 Ўртамиизда бўлсин қуюк нон.
 Бу нафис, бу ҳофиз гуллардан
 Сенга туздим бир даста хушбўй.
 Келсанг, Бухорода бошлаймиз
 Қирқ кечаю ва қирқ кундуз тўй.
 Минг бир кеча йигладим бекор,
 Согинчларим қоврилди ғамда.
 Изтиробнинг чандиқлари бор,
 Фироқларнинг изи танамда.
 Тунлар сени соғинганимда
 Сенга эмас, шубҳага бордим.
 Зардоб ичиб ётган ичимни
 Тўрт бадқовоқ деворга ёрдим,
 Сен йўқ Эдинг, жиблажибонлар
 Лабларимнинг таъмини туди.
 Дилдан меҳр кетмоқда бадар,
 Соchlар, кўзлар, тунларим куйди.
 Қувончимга айланди қайгу,
 Ҳасратимга айланди наво.
 Мен хаёлан чорлаган билан
 Сен қаршимда бўлмадинг пайдо.
 Кел-эй, энди бу дилгир онлар
 Шубҳа қайтиб келмасин макруҳ,
 Музлаб ёттан бу кўҳна, қадим
 Вужудимга қайтсан қайта рух,

Ер ёқмаса, күкка учамиз,
Учар гилам топилмаса ҳам,
Фақат мени ташлаб кетмагин,
Ташлаб кетма мени, қовургам.
Бу нафис, бу ҳофиз гуллардан
Сенга туздим бир даста хушбүй.
Келсанг, Бухорода бошлаймиз
Кирқ кечаю ва кирқ кундуз гүй.

Қадинг сарву санобардур,
Сочинг анга баробардур.
Сасларингким мунглиғ оят,
Қарошларинг тановардур.

Хатарнокдир шубҳа ўйинг,
Шуълаланган тола мўйинг.
Ажабдурким, ғалатдурким,
Булбул бирла гуфтигўйинг.

Холинг аро баёт пинҳон,
Қўлларингда нажот, имкон.
Нимтабассум жилваланган
Лабларингда ҳаёт пинҳон.

Мунчоқларинг инжуму дур,
Ё хаёлий пок тасаввур.
Сен қайга йўл олар бўлсанг,
Кирқта канизинг эргашур.

Маним умрим, маним жоним,
Кетар бўлсанг на имконим.
Изларингни ўпид қолсин
Маним куйган гунг забоним.

Эй, мұғбача, майли гунаҳ,
Май қүй манга, түлдир қадаҳ.
Бу дунёда бир баҳт бўлса
Шул нозанин ўшал фараҳ.

Қадинг сарву санобардур,
Бўйларимга баробардур.
Сасларингким мунглиғ оят,
Қарошларинг тановардур.

УҚТИРИШ

Одамга уқтириш керак
одамлигини,
Наҳотки, тушунмайди,
У одам-ку, ахир!
Одамлигини уқтиришнинг
нима кераги бор,
агар у одам бўлса...

X X X

Нигоҳинг шўх, киприкларинг ўқ,
Ёноқлар ҳам дудоқларинг чўғ.
Сирлашаман мен шулар билан,
Бунда афсус... сенинг ўзинг йўқ,

МЕНИ СЕВМАЙ...

Мени севмай тўғри қиласан, гулим,
Менинг турган-битганим ташвиш.
Соқол қўйиб Самарқанд бўйлаб
Кезиб юрган, мен сўнгги дарвеш.

Мени севмай тўғри қиласан, гулим,
Мен бир жиннисиман шу абгор ернинг.
Исму-шариф гарчи шоҳга ярашиқ
Ва лек қулидирман бир буюк шеърнинг.

Мени севмай тўғри қиласан, гулим,
Билмам, севги қайда, нафратим қайда.
Барчасини бир-бир тотиб кўраман,
Неки битилгандир бу шўр манглайда.

Мени севмай тўғри қиласан, гулим,
Ўзимни ахтаргум биргина куздан.
Оҳ, менинг косам оқармас ҳечам,
Оқарса оқарар оқ-оппоқ туздан.

Мени севмай тўғри қиласан, гулим...

КАСБ—КОРИМИЗ ОШИҚЛИК

(Ориф ҲОЖИГА)

Дўстим, юр, кетдик бизни кутаётган тогларга,
Қайноқ қучоғи сўлим ҳу фаромуш боғларга,
Кўксимизни очайлик, ана, қўёш чарақлар,
Ул бизни олиб кетсин энг бокира чоғларга.

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

Ҳаволарнинг кўксини, бағрин ёриб сузайлик;
Ғам ришталарини буткул оёқлардан узайлик,
Бизга кулиб боқмаган бу сокину бу лоқайд
Дунёларнинг тинчини, оромини бузайлик.

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

Ҳайратлар қаршисида танг қолиб, донг қотайлик,
Бошимиздан то оёқ гуллар ичра ботайлик.
Савобталаб харидор чиқса агар ногаҳон,
Ташвишларни, дардларни бира йўла сотайлик.

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

Бошга кулоҳни кийгин, оёққа илгин чориқ,
Узоқларга кетайлик дунёдан бўлиб фориғ.
Ёруғ-ёруғ хаёллар олсин ўз оғушига,
Ой келиб ошиқона, битта шеър этсин тортиз.

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

Ана қызлар кетишар ҳусида якто, тенгсиз,
Сүкмөқларда, дилларда қолдириб бир ёруғ из.
Майли, гүё боқишимас, майли, қиё боқишимас,
Улар бизни севмасин, биз барибир севамиз.

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

Қизгалдоқларни қучиб, қирни этайлик тавоб,
Хар не гуноҳимиз бор, сўраб олсин шу савоб.
Бу фараҳдан етти қат осмон йиглаб юборсанн,
Ҳигарлару юраклар тўкилиб бўлсин кабоб.

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

Наволар ифор сочар бирам хуштаъм бўй энди,
Бугун улкан арафа, бир ажойиб тўй энди.
Оталардан қолгандир, бизлардан ҳам қолгуси,
Дақионусдан қолган ишларингни қўй энди,

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

Эй, муғаний, куй чалгин ўйин тушайлик боз-боз,
Ақллардан озмоқлик ҳеч гап эмас бу алфоз.
Юрак қушга айланди, юрак қушга айланди,
О, худойим, қанот бер, кўкка этайлик парвоз.

Касб-коримиз ошиқлик,
Касб-коримиз ошиқлик.

X X X

Шоғирконнинг шомида
таралади рутубат.
Кўзим очиб кўрганим—
сен бўлдингу уқубат.
Нўш этганим тамшаниб
фақат қайғу жомидан.
Кўзларингни изладим
ҳасратларнинг комидан.
Чашмларим чашма бўлди,
нолаларим тановар.
Дилим сенинг ҳажрингда
зулматга маҳкум ховар.
Ёлғиз, ғариб, нимта ой
дилга хос талқин эди.
Жунжикади ўйларим,
ҳаволар салқин энди.
Мен кетарман тоабад
бўлиб сендан жудолар.
Шоғирконнинг шомида
таралади видолар.

X X X

Мусбат-манфий ҳис-түйгүларни
Авраш мумкин келса агар дуч.
Чучмал гапга жилмаймоқ учун
Топилади менда ҳали күч.

Ҳаммасидан қочмоқлик мумкин,
Барчасидан мумкин бекинмоқ.
Гарчи шараф саналмаса ҳам,
Ғалабадир баъзан чекинмоқ.

Мен темирман, темир одамман,
Ичак-чавоқларим темирдан.
Эплолмайман ўкирмоқликни,
Кулолмайман телбадай бирдан.

Сабр ётур кўксимда бўкиб,
Бир сабрки, усти—боши хун.
Иродамга тасанно ўқиб,
Демак, ҳали яашшим мумкин.

БЕГОНА ЎТ

«Турмуш фаровон» деб шеър ёзиш куфр,
Вазни лак-лак бўлса ҳар қатра тернинг.
Бегона ўтлари—ғайрихалқ, ғаддор,
Шўр босган шўрлик бу серҳосил ернинг.
Етти пушти деҳқон ўтган деҳқоннинг
Бошлари, қўллари, кўкраги очиқ.
Жўяклардан чиқмай йил—ўн икки ой
Қарорларни этар ҳаётга тадбиқ.
Кўм-кўк ниҳолларга, ерга, деҳқонга
Маъруза қилишди бир ой муттасил,
Пахтанинг дунёвий хусусиятин
Қориндор раису думбадор вакил.
Кейин бу ниҳоллар гуркираб кетди,
Кетмонга содик деҳқон не дерди.
Ардоқлаб сув қуиди, ўғитлар тўқди,
Бегона ўтлар-чи кўпаяверди.
Зарпечак кўпайди ва ҳар хил алаф,
Алп қомат кўчатлар чўкаверди тиз.
Бегона ўтларни тозалаш пайти
Сафарбар этмади ҳеч кимни раис.
Қаҳратон, саратон, хоҳ кундуз, хоҳ туғ
Ишлади деҳқоннинг қуриб дармони.
Бўлиқ бўлар эди ҳосил ва лекин
Бегона ўт босди Ўзбекистонни.

КАСАЛХОНАДА

Тақдиринг ҳар хил темирлар дастида,
Томирингга глюкоза тўлади.
Кўп узоқ ётасан, унинг остида
Бемалол битта шеър ёзса бўлади.

Ёнингда, бошингда шприцлар осиқ,
Хайрият, мангуга бунда қолмайсан.
Баридан ёмони лабдаги учуқ,
Хозирча ҳеч кимни ўпа олмайсан.

Ҳаво иссиқ, ел йўқ қилт этган,
Кўм-кўк барглар қотиб турар тик.
Қушчалар ҳам қайгадир кетган,
Устингга бостирад аёвсиз жимлик.

Мехрибон докторнинг игнаси қаби,
Дориси сингари аччиқ ва нохуш—
Палатанинг оппоқ шифтига ҳар кун
Чорасиз бургутдай термулиб ётиш...

X X X

Ёмғир ёғар эди шошқалоқ,
Дил борарди зулматга чүкиб.
Томчилари оқ эди, оппоқ,
Томар эди қайғулар түкиб.

Күкка боқиб «ә, худо», деди,
Бошин қайта әгиб олди хам.
Хаёллари паришон эди,
Үйлар ҳаддан ташқари мубҳам.

Күзларига томар эди тун,
Жилмайгандек бўлди лаблари.
Фараҳ излаб топмади бутун,
Ҳасрат келди дунёдан қари.

Тунга боқди диллари ўқсиб,
Ёмғир ёғар эди оқ, оппоқ.
Юзларини тупроққа босиб,
Ўкраб-ўкраб йиғлади узоқ.

X X X

Ким кўрибди эй, кўнгил,
аҳли жаҳондин яхшилиқ...

Бобур

Қадрини йўқотар бир кун барчаси,
Маъни кўламлари кетар торайиб.
Кўнглинг қолар, неки ёруғлик бордир,
Кўнглингда қолади дарддай қорайиб.

Кўзингни бойқушдай чўқиб олажак,
Сипо кўринса-да, теварак-атроф.
Ортиқ яшаб бўлмаслигини
Сен ўзинг этарсан бир кун эътироф.

Жами ришталарни ташларсан узиб,
Не ҳис бор, ўзингдан этурсан соқит.
Кўксингга бош қўйиб ғингшийди сўнг бор
Ҳаёт — бамисоли вафодор бир ит.

КУЗГИ МАРВ

Осмонида хирмон-хирмон булутлар,
Сокин кезар мангу мовийлик аро.
Қовжираб-қовжираб алафлар ётар,
Чидаң бўлмас ҳидга тўлгандай ҳаво.
Минг рангга бўялиб, ўртанади кўк,
Хазонлар рақсга тушади секин.
Шамол огушида қатра совуқ йўқ.
Ҳарорат ҳам йўқ бағрида лекин.
Учдилар бегона элларга қараб.
Қушлар бу ҳаётга қўйдилар нуқта.
Юртга содик уч-тўрт чумчуқ мўлтираб,
Туришибди қип-яланғоч дарахтда.

Х Х Х

Талъат тожики,
Сўзинг туркона.
Аз ишқат дод-ай,
Келдим мен яна.

Шиштем рў-барў,
Сен эдинг хомуш.
Дилба дард пурӯ,
Розлар бетовуш.

«Омад наомад,»—
Дединг йиғладинг.
Ин мажруҳ дила,
Тагин тиғладинг.

Сен кетдинг, биздан
Мондагеш фақат:
Тожикона ғам,
Туркона ҳасрат.

X X X

Түнлари гамларга қорилиб,
Ерилиб кетаман гоҳида.
Сендан неки олган бўлсам мен
Барчасини қўйдим жойига.

Сен айтгандек бўляпти бари,
О, улуғ Хотамтой, мўътабар наби.
Кунлар эса ўтавермоқда
Рисолада битилган каби.

Бўғотимда ин қурган менинг
Сен қарғаган бир гала қарға.
Вужудим ҳам ўйларим мисол
Тополмайди бирор қўналға.

Дунё, нега ўртайсан мени,
Нимам бор, мен бунчалар куяй?
Ўлтирмакка жой ҳам бермадинг,
Мен ўзимни қаерга қўяй?!

Х О Л А Т

Ұлтирибман чўккандай қоя,
Қалтирайди қадаҳдаги май.
Ғувиллайди безовта мия
Чўп тиқилган ари инидай.

Мен чекаман қайгуни, ғамни,
Шууримда бир алам ёди.
Сўнг ётаман қоплар теграмни
Тамакининг заҳарли дуди.

Ёзолмайман, юрагим хуншор,
Қалам ётар оқ қогоз узра --
Эгасини тупроққа берган
Ит сингари гариб, бечора...

X X X

Тарбия қиляпман ўзимни,
Мен камтарин, Бандаи Карим.
Мен ҳеч кимнинг фикрин бўлмайман,
Ҳеч кимсага тегмас заарим.
Бир ноўрин иш қилиб қўйсам,
Ё ножўя жилмайсан чакки—
Сўнг ўзимни тергаб қўяман,
Мен ўзимга бераман дакки.
Оқшом ишдан чарчаб қайтаман,
Ўзимча бир оҳанглар тўқиб.
Кайфиятим кўтарилади
Кўзгудаги ўзимга боқиб.
Чунки, унда жилмаяр менга,
Бир одамнинг қақраган лаби—
Йўлларимда кўзи тўрт бўлиб
Кутаётган хотиним каби.
Мақтайман гоҳ ўзимни, ўзим
Хўжаликни юргизадиган.
Таом тайёрлайман лаззатли,
Ўлик еса тиргизадиган.
Барчасига сабр қиласман,
Ичга ютиб бор-йўқ аламни.
Ўз бошимни силайман кейин
Эркалаган каби боламни.
Яшаяпман гоҳ нон, гоҳ ғам еб,
Гоҳи ҳасрат, гоҳи ичиб май.
Ногоҳ ўлсам, «бевақт кетдинг», — деб
Ўзим учун йиглайман қандай?..

X X X

Құлларимга қайта күч қайтаётір,
Күзларимга эса қайтаётір нур.
Тобора аникроқ ҳис қилаяпман,
Тобора ёришиб борар тасаввур.

Томиримда яна жүш урмоқда қон,
Лабларим шүх күйга сезар әхтиёж.
Тобора пасайиб келмоқда осмон,
Гуллаб борар, ана, қуриган оғоч.

Түйғулар гулдаста тутиб келмоқда,
Сокин ҳисларимни шабнамга чайиб.
Тобора каттариб бораяпман мен,
Улкан дунё эса борар мунғайиб.

ТУГИЛГАН КҮНДА

Минг йиллик йўл босиб келди бу ғурбат,
Елкасида хуржун, бошида кулоҳ.
Оёги остида ғижирлайди қум,
Гоҳи банда деди, гоҳида Оллоҳ.

Бу дард минг йил бурун таваллуд топди,
Бу қайгу тирилган минг йил илгари.
Ўзлигин англамай то ҳануз чопди
Соясими қувган телба сингари.

Саҳролар оралаб борар бу карвон,
Карвонки, неси бор, бари талангандан.
Бошимда дўппию, эгнимда чопон,
Минг йилдан буён мен хаёл сурман.

X X X

Мана эртагимиз соб бўлди, ўтди,
Сен фаришта бўлолмадинг, мен—оқил.
Хайратли кунларим тарагиб кетди
Тамаки дудидек талҳ ҳамда заҳил.

Ўйлардик: ишқимиз мангу беадад,
Бир зумлик баҳт берди, сўнг эса бот-бот
Ҳақиқий эртаклар ўқиди қисмат,
Самимий ёлғонлар тўқиди ҳаёт.

Йигладинг, йигладинг, билмайман нега?
Йигладинг, йиглатдинг кетаётиб жим...
Кейин ҒАЛАБАлар тиладинг менга,
Мснинг бир умрлик МАҒЛУБИЯТим...

БУГУНГИ КУН

Қизариб, бўзариб шамс ботди оғир,
Табиат қалбига чўкиб борар тун.
Дунё бир кунини йўқотди ҳозир,
Тарих дафтарига ёзилди бу кун.

Қуёшнинг нуридан ёришар жаҳон,
У ҳар кун чарақлаб, қайта ботар жим.
Лекин бугунги кун қайтмас ҳеч қачон,
Қайтмагани каби менинг илк севгим!

Х Х Х

Борар йўллар менга аёндири,
Манглайимда чизилган бу йўл.
Гарчи улар дардларим каби,
Ҳасратларим каби жуда мўл.

Бир куни хом хаёллариму
Мангу бузиб фароғатимни—
Кечайётган муnis лаҳзалар
Фош этар қалб жароҳатимни..

Шул тақдирнинг қўллари билан
Ёзадирман эркин иншолар.
Ҳар жумлада юзлаб ноқислик,
Ҳар сатрида минглаб хатолар.

Гуноҳим не бунда кеч келиб,
Барин эрта англағанимми.
Ё савдои кезиб дарбадар,
Ҳазин куйлар тинглаганимми?

Фақат мунглар ундиргай туйғу,
Фараҳдан-да холи ҳар жиҳат.
Ота бўлгай қоядек қайғу,
Она бўлгай муштипар кулфат.

Баҳор келди Бухоро ёқда,
Яна шу дил, яна дилда ғам.
Паноҳ истаб келганим билан,
Яшолмайман бу ерларда ҳам.

О. худойим, бу қандай макон,
Садақами чимдим қувонч ҳам?
Бу дўзахнинг қайти қавати,
Бу ер қайси жаҳаннамдан кам?

МУНДАРИЖА

Мұхаббат	3
Фарёлдар битурман қайғу номидан	4
Гулдай юзларингни қачон кўраман?	5
Наврӯз келиб	6
Мұхаббат мангуга кетаётганда	7
Сен томондан	8
Ортга боқма	10
Эски дафтар	11
Бир ажойиб, тўзал кун	12
Лабиҳовуздаги ўйлар	13
Хандон отиб кулаётган қиз	14
Сабрнинг таги	15
Очиқ деразадан мўнг ёғилар	16
Кел севгилим	17
Дедингки	18
Висол чоғлари	19

Ёмғир ёғар әди	62
Яна куз келибди	20
Бу күңна равоқ	22
Хотира	23
Ўзликни тинглаш	24
Кетасан	25
Ҳажр	26
Арзи ҳол	27
Хуршиди тобоним	28
Бир рўшнолик әди	29
Тиловат	30
Сенга қайдан топгай бехатар гўша	31
Қари қиз	32
Дунёга келдим	33
Фолбинлик	34
Лоқайдликка мадҳия	35
Ғирром ўйин	36
Бехосият сафар	37
Тириклик	38


Сенга пима бўлди, менинг илоҳам	40
Тун эди	42
Ёмғир мавсуми	43
Сенга аталган	44
Аросат	45
Сен кетгач	46
Жоду кўзлар	47
Ишқ	48
Софинч	44
Кел	50
Қадинг сарву санобардур	52
Уқтириш	54
Мени севмай	55
Касб-коримиз ошиқлик	56
Шоғирконнинг шомида	58
Иродамга тасанно ўқиб	59
Бегона ўт	60
Касалхонада	61

Ким күриди, эй, күнгиз	63
Күзги Марв	64
Сүзинг туркона	65
Дунё, нега ўртайсан мени?	66
Холат	67
Тарбия қидаляпман ўзимни	68
Сокин ҳисларим	69
Түғилган кунда	70
Эртагимиз соб бўлди	71
Бугунги кун	72
Баҳор келди Бухоро ёқда	73

Литературное-художественное издание
ШАВКАТ ҲАСАН
ДЕНЬ ПОСЛЕ ПЕЧАЛИ
Стихи
На узбекском языке
Адабий бадиий нашр
ШАВКАТ ҲАСАН
ҚАЙГУДАН КЕЙИНГИ КУН
Шеърлар
Муҳаррир Фароғат Камолова
Мусаввир А. Мамажонов
Техн. Муҳаррир У. Ким
Мусаҳҳих М. Ҳожиева

Босмахонага берилди 10. 05. 93. Босишга рухсат
этилди 15. 06. 93. Бичими 60Х84. Босмахона
қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма.
Шартли босма тобоги 1,8. Нашр тобоги 2,0.
Жами 5000 нусхада. Буюртма 1916. «Ёзувчи»
нашиёти 700030. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Баҳоси келишилган нархда.

Бухоро вилояти матбуот бошқармасининг
Шоғиркон туман босмахонасида чоп этилди.



ЕЗУЧИ

00186656